





Шунда қўлга теккан нажосат ва ноқулай ҳидлар кетади.

Халода қиблага қараш ёки унга ортини қилиш макруҳдир.

Охирги жумладаги ҳукми фуқаҳоларимиз қуйидаги ва шунга ўхшаш бошқа далиллардан олганлар:

هَذَا الْعُلَّةُ لِلصَّيْبِ لِلانْعَاءِ، هَذَا الْعُلَّةُ لِلصَّيْبِ رَأْسُ الْبُؤْيُوبِ أَيْ بَأْنَعِ  
أَوْلَى الْوَلَدِ لِلْبُقْتِ سَيِّئِ الْفَطَائِغِ الْمَكْدَحِ أَيْ تَأْذِيهِ: «لَا قَمَّ لَسَوْ  
يُرَاحُ الْهَوْرُ». «أَوْبِرَّعٌ وَأَوْقَرَّشٌ هَرَهَظُ

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз қазои ҳожатга борса, қиблага юзланмасин ва унга орқасини ҳам қилмасин. Шарққа ёки ғарбга қаранглар», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

هَذَا الْعُلَّةُ لِلصَّيْبِ لِلانْعَاءِ: لِقَوْلِ ابْنِ أَبِي شَيْبَةَ: «لَا قَمَّ لَسَوْ  
يُرَاحُ الْهَوْرُ». «أَوْبِرَّعٌ وَأَوْقَرَّشٌ هَرَهَظُ  
دُوَادُ وَبَأْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен сизларга худди отанинг ўрнидаман, сизларга таълим бераман. Бирортангиз қазои ҳожатга борса, қиблага юзланмасин, унга орқасини ҳам қилмасин, ўнг қўли билан покланмасин», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Демак, қиблага қараб ҳам, қиблага орқасини қилиб ҳам қазои ҳожат қилмаслик керак экан.

Ҳадисдаги «шарққа ёки ғарбга қаранглар», деган гап Мадинаи Мунаввара аҳлига айтилган. Улар шарққа ёки ғарбга қарасалар, қибла ён томонларида қолади. Лекин бошқа жойларда қибла шарқ ёки ғарб томонда бўлиши мумкин. Бу гап уларга тегишли бўлмайди. Улар қиблага қараб ёки ортларини қилиб қазои ҳожат қилмасликлари зарурлигидан, шарқ ёки ғарбга қарамасликлари керак бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги гаплари Ислом дини хало одоби масалаларига жиддий эътибор берганидан далолат беради. Аввал айтганимиздек, инсоният тарихида биринчи бўлиб Ислом бу ишларни тартибга солишни бошлаган.

Масала жиддийлигидан Ислом шариатининг иккинчи масдари бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида бу ишга алоҳида эътибор берилган. Энг мўътабар ҳадис, фикҳ ва одоб китобларида албатта «Хало одоблари» номли боб бўлади.

*(Тамом)*

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**